ЯНГИ ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСИ

«ОБЪЕКТЛАРНИ қисқа муддатларда қуриб, фойдаланишга топширамиз!». Калинин районидаги 1-механизациялашган кўчма колоннага қарашли Валентин Гусев етакчилик қилаётган қурувчилар бригадаси коллективининг бугунги кундаги шиори ана шундай. Бригаданинг ҳар бир бунёдкори бу шиорга қатъий амал қилиб, астойдил меҳнат қилмоқда.

Айниқса, Т. Эсонбоев, С. Рукин ва С. Малнев сингари тажрибали қурувчилар ўз нормаларини 125 процентдан ошириб адо этишмоқда. Бригададаги бундай фидоий ишчиларнинг мардонавор меҳнатлари эвазига районнинг «Огонёк» совхозида барпо этилаётган молхона комплексида пайвандлаш ишлари барвақт ниҳоясига етказилди. 200 бошли йирик қорамолга мўлжалланган бу молхона комплексида айни кунларда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Г. АБДУЛЛАЕВА.

ОБЪЕКТ — ЮБИЛЕЙГАЧА

ТОШКЕНТ районидаги «Ленинград» совхози 10-бригадаси территориясида бунёд этилаётган бўрдоқичилик комплекси битай деб қолди. 132-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари уни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи байрамига қадар фойдаланишга топширишга сўз беришган. Шу боисдан ҳам А. Қулибоев бошчилигидаги бунёдкорлар бригадаси бор куч ва имкониятларни ишга солиб ишламоқда.

Т. ДЎСОНОВ.

ПЕШҚАДАМ ҚУРУВЧИЛАР

«Главташкентстрой» 3-трестига қарашли 16-қурилиш бошқармасининг Ю. Ҳакимов бошчилигидаги комплекс бригадаси азаматлари етти ой якунларига кўра трест социалистик мусобақасида ғолиб чиқди. 21 қурувчидан иборат аҳил коллектив меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг хўжалик асосида иш юритиб, графикдан ўзиб кетди.

Бугунги кунда бригада Тошкент мотор заводи қурилишида меҳнат қилиб, смена топшириқларини 25—30 процент ортиғи билан бажаришга эришяпти.

М. ФЕЛЬДМАН.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 158 (8398). ● 22 август, 1984 йил ● ЧОРШАНБА | Баҳоси 3 тийин.

ҒОЛИБЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети Ўзбекистон энергетика системаси тармоқларига туташтирилган ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлари, саноат ва темир йўл транспорти корхоналарининг 1984 йил иккинчи кварталида электр энергиясини тежаш учун ўтказилган социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти СССР ўғит ишлаб чиқариш министрлигига қарашли **Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасига берилди.** Бирлашма ишлаб чиқариш программасини 101,2 процент бажарган ва 10538 минг киловатт—соат ёки пландаги нормага нисбатан истеъмол қилинадиган энергиянинг 2,9 процентини тежаган.

Иккинчи пул мукофотлари қуйидагиларга берилди:

Ўзбекистон енгил саноат министрлигига қарашли КПСС XXV съезди номли **Бухоро тўқимачилик комбинатига.**

В. П. Чкалов номли **Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига.**

Учинчи пул мукофотлари қуйидагиларга берилди:

Самарқанд тажриба заводига.

«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасига.

СССР қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигига қарашли агрегат заводига.

Тошкентдаги тажриба механика экскаватор ремонти заводи, «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг юк ортиш-транспорт бошқармаси, «Узбекхиммаш», Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати; «Ташсельмаш», «Водоканал» трести, Тошкентдаги «Компрессор» заводи, Намангандаги нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғона сунъий чарм заводи, Навоий электрохимия заводи, Навоий цемент заводи ва бошқа корхоналарнинг коллективлари социалистик мусобақа шартларини бажарганликлари қайд этиб ўтилди.

● ЧЕҲРАСИДА табассум барқ уриб турган бу қизнинг номи Хатира. Касби эса бузоқбоқар. Янги туғилган, атаки чечак қилиб энди юра бошлаган оқ-қора, ола бузоқчаларни кўрганда ҳамиша унинг қалби хаприқиб кетади. Уларни катта бўлгунча авайлаб парвариш қилади. Суратда: Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг пешқадам бузоқбоқари Х. Мирзабоева.

А. Ахатов фотоси.



● РУСТАМ ЭШМУҲАМЕДОВ «Ташавтоматика» заводининг ишлаб чиқариш илғорларидан саналади. Инғувчи-слесарь Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини тўрт йиллик шахсий планини адо этиш билан кутиб олишга қарор қилган. Социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бораётган Р. Эшмуҳамедов бор куч ва маҳоратини ишга солиб, бугунги кунда смена топшириқларини 140—150 процентга адо этяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

МУСОБАҚАДОШЛАР

«ҲОСИЛ—84»

— Кеча Исомжонга ўн гектарликнинг бошига зарур нарсалар туширишни тайинлаган эдим, хабарингиз бўлдими?

Бригада бошлиғи Абулқосим Садиров Мирзали ака билан шийпон олдида қуюқ сўрашар экан, унга шундай савол билан мурожаат қилди.

— Ҳа, ҳозиргина шу пайкалга сув тарашни бошлаб юбордик,— Мирзали ака хотиржамлик билан жавоб берди.

Шу пайтда мусобақадош бригада бошлиғи Қўчқор Каранчалов ҳам дўстлар ҳузурига етиб келди. Улар бутун чеканкани ниҳоясига етказиш, силос учун экилган маккажўхори ўримини янада тезлаштириш ва пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриш юзасидан бир-бирлари билан маслаҳатлашиб олишди. Сўнгра дала ишларини шу асосда давом эттириш ниятида астойдил ишга киришдилар...

— Ўзаро ҳамкорликда иш юритаётганлигимиз ҳар томонлама фойдали бўлаётир, — дейди бригаданинг ветеран сувчиси Мирзали Давренов.— Яқинда қўшни бригадада ўтказган текширишларимиздан бирида айрим пайкаллардаги ғўзалар кўллатиб суғорилаётганлигини аниқлаган эдик. Ҳамкасб дўстларимизга шу куниёқ бу камчиликларининг олдини олиш юзасидан ўз маслаҳатларимизни бердик. Натижаси ёмон бўлмади. Учинчи суғоришни тугатишгандан сўнг яна шу бригада сувчиларининг иши билан танишдик. Пайкалларга бир маромда сув таралмоқда, ғўзалар об-ҳаётга қонмоқда. Дўстларимизнинг ишидан хурсанд бўлиб, уларга раҳмат айтдик, шарбат усулида, суғориш тажрибаларини ўз бригадамизда қўлладик.

Дарҳақиқат, ўзаро социалистик мусобақа шартлари асосида иш юритиш Чиноз районидаги Навоий номли колхознинг Абулқосим Садиров ва Қўчқор Каранчаловлар бошлиқ бригадалари, коллективлари учун муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Бригадалар муттасил равишда ҳар йили гектаридан 40—45 центнердан ҳосил кўтариб келмоқдалар. Етиштирилаётган маҳсулотнинг барчаси юқори сортларга топширилмоқда, асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинмоқда.

Абулқосим Садиров етакчилигидаги бригада заршунослари бу йил 85 гектар ерда пахта, 30 гектар ерда маккажўхори ва 20 гектар ерда беда етиштиришяпти. Ҳозиргача беда уч марта ўриб олинди. Эрта-индин дон учун экилган маккажўхори ўрими ҳам ниҳоясига етказилади.

Бригада деҳқонларининг асосий диққат-эътиборларч ғўза парваришини сусайтирмасликка қаратилган. Исомжон Исроилов, Мирзали Давренов, Тўлан Қурбоналиев каби миришкорлар суғоришда тадбиркорлик билан иш юритмоқдалар. Ҳар туп ниҳолни шарбат сувига қондириш ва қўсакларнинг тўқ бўлиши учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар. Улжалғас Сарсенова, Зулфия Тошназарова, Азиза Тожибоева ва Дилор Муротбекова каби қиз-жувонлар эса ҳозиргача ғўзаларни иккинчи бор чеканкадан чиқардилар. Эндиликда ғўза қатор ораларини яна бир карра оралаб, бегона ўтларни тағ-томири билан йўқотишга ҳаракат қилишяпти. Чунки улар шу кунларда пайкалларни ёввойи ўтлардан тозалаш кузда машина терими унумдорлигини таъминлашини яхши билишади.

Бригада механизатори Аввалбек Юнусовнинг зиммасидаги масъулият ҳисси янада ошган. У ўтган давр мобайнида ғўза қатор ораларига юқори агротехника қондалари асосида олти марта ишлов берди. Айни пайтда еттинчи ишлов беришни қизғин давом эттириш жараёнида ўз терим агрегатини ҳосил йиғим-теримига ҳозирлаб қўйишга ҳаракат қилмоқда.

Бригадада амалга оширилаётган тадбирларнинг барчаси етиштирилган мўл ҳосил нишоналарини тўла сақлаб қолиш мақсадида бўйсундирилган. Бу йиғим-терим ишларини ҳам ўз вақтида, тез ва соз ўтказилишини таъминлаши шубҳасиз.

Г. МАМБЕТОВА.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ИШ УСЛУБИ САМАРАСИ

ПУДРАТ БРИГАДАЛАР

СЎНГГИ йилларда деҳқончилик тармоқларида бригада пудрати кенг жорий этилиши муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Бу усулнинг ижобий самарасини Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози пахтакорлари эришаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йили 4-участкининг пудрат методида иш юритган 5 та бригадасида ҳар гектар ердан пландаги 31,1 центнер ўрнига 45,7 центнердан пахта, 198 центнер ўрнига 242,3 центнердан каноп пояси йиғиштириб олинди. Дон учун экилган маккажўхори ҳосилдорлиги эса 107 центнерни ташкил этди. Пудратчи бригадаларда пахта ҳосилдорлиги колхознинг ўртача кўрсаткичидан 5,3 центнер, каноп ҳосилдорлиги 36,4 центнер кўп бўлди. Шунга яраша бригадалар аъзолари мўмай даромад олдилар. Ҳар бир меҳнатчининг йиллик иш ҳақи бошқа участкалардаги колхозчиларникига нисбатан 1,5—1,7 баравар ошди. Бу муваффақиятларни участка мудири Григорий Ким қуйидагича изоҳлайди:

— Йил бошидаёқ колхоз правленияси ва бригадалар коллективлари ўртасида шартнома тузилиб, томонлар ўз мажбуриятларини аниқ белгилаб олишди. Кўкламга тайёргарлик, экиш, вегетация, ҳосил ўрим-йиғими ва маҳсулот топшириш каби ишлаб чиқариш циклларни учун кетадиган сарф-харажат олдиндан ҳисоблаб чиқилди. Меҳнатга ҳақ тўлаш пировард-натижага қараб белгиланиши ҳар бир колхозчига тушунтирилди. Шунинг учун ҳам бригада аъзолари эрта кўклямдан бошлабоқ мўл, сифатли маҳсулот етиштириш, мўмай даромадга эга бўлишни кўзлаб аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишди. Йиллик меҳнат ҳақи ҳажмини белгилашда ҳар бир бригада аъзосининг умумий иш натижасига қўшган ҳиссаси ҳисобга олинишини колхозчилар жуда яхши билишади. Шунга кўра у барча дала ишларида ҳар бир тадбирни аниқ ҳисоб-китоб билан амалга ошириб, меҳнатга онгли муносабат намунасини кўрсатади.

Бу йил колхоздаги 19 та далачилик бригадасининг ҳаммаси пудрат методига ўтиб ишламоқда. Колхоз правленияси ва бригада коллективлари ўртасида тузилган шартнома бўйича бригадада план бажарилиб, ҳосилдорлик 35—39 центнерни ташкил этса, маҳсулот учун тарифга нисбатан 135 процент, ҳосилдорлик 40 центнер ва ундан ошириладиган 150 процент ҳақ тўланади, 40 центнердан кўп пахта йиғиштириб олинганда ҳосил йиғим-терими даври учун иш ҳақи фондидан ташқари 15—20 процент қўшимча ҳақ берилади. Бор-йўқ, бригада ҳосилдорлик ва пул даромади бўйича белгиланган планини бажара олмаса, маҳсулот учун тарифга нисбатан мўлжалланган ҳақнинг 35 процентини тўланмайди.

Колхоз меҳнаткашлари республикамиз юбилей йилида 1152 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта, 940 гектар каноп-зорнинг гектаридан 205 центнердан каноп пояси етиштиришга аҳд қилишган. Колхоз пахтакорлари ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада 7—8 тадан тўқ кўсак бўлишини таъминлашди. Пахтачиликдаги муҳим тадбир—ғўза чеканкаси қисқа муддатда сифатли туғалланди. Бунда асосан механизмлардан фойдаланилди.

А. Тешабоев, Р. Сотиболдиев, С. Қулмонов, А. Ли, В. Мўл ҳосил тақдири шу кунларда ҳал бўлишини колхознинг ҳар бир аъзоси яхши билади. Шу боисдан ғўза парваришини сира бўшаштирмай ҳароратли кунларнинг ҳар дақиқасидан самарали фойдаланишга интилмоқдалар. Бу ўринда механизаторлар ва сувчиларнинг ҳамкорликда иш юритаётганликлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Суғориш ва культивация ишларида узилиш бўлмаяпти. З. Бурхонов, Б. Хорнев, А. Мирзаахмедов, Э. Дю, А. Нок, В. Ким каби механизаторлар ғўза қатор ораларига ишлов беришни юқори агротехник қондалар асосида олиб боришяпти. Сифатли ишлов берилган пайкалларга М. Ёқубов, Н. Алимов, Қ. Абдулхоликов, С. Аҳмедов, М. Холтоев, Т. Истибоев сингари миришкорлар пешма-пеш сув тарашяпти.

Колхоз правленияси ва партия ташкилоти ғўза парваришини намунали олиб борилишини таъминлаш мақсадида дала меҳнаткашларига зарур шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қилмоқда.

Дала шийпонларига тез-тез автомагазинлар, концерт бригадалари, маиший хизмат кўрсатиш устахоналари келиб колхозчиларга хизмат кўрсатмоқда. Пахтакорлар, айниқса, қишлоқ ёшларидан ташкил топган духовой оркестр, вокаль-чолғу ансамбли коллективлари хизматидан мамнун бўлмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллаётган хўжалик деҳқонлари ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, эртаки, сифатли, пишиқ толали пахта етиштириш учун мавжуд имкониятларни тўла ишга солмоқдалр. Мўл ҳосил етиштириш имконини берувчи янги усул — бригада пудратини ҳаётга дадил тадбиқ қилмоқдалар. Серҳосил бўлиб етилаётган ғўзалар бригада пудрати усулининг афзаллигидан далолат бериб турибди.

М. ОТАҚУЛОВ.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози пахтакорлари 1983 йилда пахтадан мўлжалдаги ҳосилни олишолмаган эди. Шунинг учун ҳам ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили бу хўжаликда зарбдор йил деб эълон қилинди. Барча дала ишлари ана шу шиор остида ташкил этилмоқда. Мавжуд 760 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта олишга аҳд қилган заршуносларнинг ишлари ҳам мақтовга лойиқ.

Бу борада айниқса, Саидаҳмад Оҳунов, Холмирза Холиқназаров, Саттор Жўраев сингари тажрибали пахтакорлар бошчилик қилаётган бригадаларда дала ишлари айниқса сифатли олиб борилмоқда.

Хўжалик пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда мўл ҳосил етиштирибгина қолмай, давлатга фақат юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш-га аҳд қилишган. Ана шу мақсадга эришиш учун барча агротехник тадбирлар ўз муддатида олиб бориляпти.

Айни кунларда хўжалик механизаторлари ғўза қатор ораларини юмшатишни давом эттиришяпти. Сувчилар эса ҳосил чўғини кўпайтириш учун экинни шарбат усулида суғоришяпти. Агроном-энтимологлар ғўзаларни ҳар хил зараркунандалардан асрашмоқда Бажарилаётган ишларнинг самараси қувончли бўляпти. Ҳозир колхоз бўйича ҳар туп ғўзада 7-8 тадан бўлиқ кўсак бор. Тез кунда улар янада кўпаяди. Чунки хўжалик меҳнаткашларининг иш фаолияти ана шунга қаратилган.

Д. СОДИҚОВ.

ҚАТЪИЙ ҚОРАЛАНМОҚДА

Жаҳон жамоатчилиги АҚШ президенти Р. Рейганнинг тинчлик иши учун душманликдан иборат хатарли ҳуружини қатъиян қораламоқда. Бундай феъл-атвор аввало ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг раҳбарлари ўз халқларининг тақдири учун, инсониятнинг тақдири учун ўз зиммаларидаги юксак масъулиятга зиддир.

● ВАШИНГТОН. Америка журналистлари Оқ уйдан ТАСС баёнотига нисбатан муносабатини билдиришга эришиш учун зўр бериб уринмоқдалар. ТАСС баёнотида АҚШ президентининг масъулиятсизларча луқмасига принципиал баҳо берилган. Оқ уй ўртага қўйилган саволларга тўғридан-тўғри жавоб қайтаришдан ўзини олиб қочиб ҳамон лом-мим демаяпти.

Шунга қарамай Рейганнинг СССРга нисбатан душман ва тинчлик учун хатарли ҳуружини қоралаб билдирилаётган фикр-мулоҳазалар оқими давом этмоқда. Матбуот материалларида таъкидлаб ўтилаётганидек, Рейганнинг қилиғи—тасодифий ҳол бўлмай, балки АҚШ ҳозирги маъмуриятининг халқаро ишлардаги милитаристик, авантюрачилик тафаккури ва йўлининг ифодасидир. «Вашингтон пост» газетаси АҚШ президентининг Совет Иттифоқини бомбардимон қила бошлашга тайёрлиги тўғрисида андишасизларча айтган гапларини қоралаётган америкаликларнинг хатларини босиб чиқарди. Вашингтонда яшовчи К. Лотмэн деган аёл қуйидагиларни ёзади: «Президент Совет Иттифоқини эмас, балки бирон-бир аэропортни бомбардимон қилиш нияти борлиги тўғрисида бирон нарса деганида эди у жиноят қилишда айбланган ва то қамашгача қаттиқ жазоланиши мумкин эди. Миллионларча кишиларни қириб ташлашни назарда тутган ва президентнинг ядро урушига нисбатан ҳақиқий муносабати хусусида бутун дунёда ташвишня жуда кучайтириб юборган таҳдид учун жазо худди шундай қаттиқ бўлишини таклиф этаман. Америкаликлар ноябрь ойида сайлов участкаларида ўз ҳукмларини чиқарадилар, деб умид қиламиз».

«Нью-Йорк таймс» газетаси маъмурият Рейганнинг гапларига унча аҳамият берилмаслиги ва уни АҚШда танқид қилиш сусайтирилишига ҳар қандай қилиб бўлса ҳам эришишга уринаётганлигини қайд этади.

● ОТТАВА. Монреалда чиқадиган «Газетт» эндиликда жаҳон халқлари ташвишланиш учун яна ҳам кўпроқ асосга эга бўлиб қолганлигини ёзиб, Рейганнинг масъулиятсизлик билан айтган луқмаси президентнинг ўзини яққол таърифлаб бераётганлигини уқтиради. Президент дўқ-пўписалар қилиш ўрнига Совет Иттифоқига нисбатан ҳақиқатан ҳам конструктив сиёсат ўтказиш тўғрисида ўйлаб кўрса бўлур эди.

● ТОКИО. Японияннинг «Асахи» газетаси ёзади: Рейган шунинг учун зўр ташвиш уйготдики, буюк давлатнинг раҳбари ядро урушини бошлаш билан таҳдид қилди. Рейганнинг ана шу гапида унинг Совет Иттифоқига «ёмонлик империяси» деб оддий назар билан қараши намоён бўлганлиги хусусида хавотирланмаслигимиз мумкин эмас.

● ЛИМА. АҚШ маъмурияти бошлиғининг қилиғи—уруш ва тинчлик проблемаларига Рейган масъулиятсизлик билан ёндашаётганлигининг навбатдаги кўринишидир, деди Перу миллий конгресси депутатлар палатасининг аъзоси Эрнесто рамон Гамарра. Оқ уйнинг хўжайини одатда бошқа кўпгина баёнотларни ҳам «кучли пеш қилиш позицияси»дан туриб берилганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Умуман АҚШ ўзининг ташқи сиёсий мақсадларига эришишда қўпол кучга таянаётган мамлакат эканлигини кўрсатмоқда. СССРнинг сиёсати бу йўлнинг мутлақо акси бўлиб, у ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида ўз зиммасига бир томонлама тартибда мажбурият қабул қилди. Оммавий қирғин ядровий воситаларига эга бўлган мамлакатлар ундан ўрнак олишлари керак.

● ПРАГА. Жаҳон халқлари, деб таъкидлайди Чехословакиянинг «Руде Право» газетаси, Рейганнинг душманликдан иборат урушқоқлик руҳидаги қилиғини қатъиян қораламоқдалар. Бу қилиқ Америка президентининг хатарли авантюрачилик позицияларини яна бир бор тасдиқлади. Ҳозир Оқ уй масъулиятдан қочишга уриниб найранг ишлатмоқда. Лекин у ғазаб тўлқинини пасайтира олмайди.

(ТАСС).

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЗАРБДОР ГРАФИК АСОСИДА

Республика машинасозлигининг байроқдори—«Ташсельмаш» заводининг ишчилари буюк ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб ишламоқдалар. Корхона цехларида бўлиб ўтган митингларнинг қатнашчилари шу шонли санага бағишлаб 40 зарбдор ҳафта ўтказиш тўғрисида москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватладилар, янги оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Механика-йиғув цехининг ишчилари бу йил пландан ташқари 120 та пахта териш машинаси ишлаб чиқариш, шу машиналар учун топшириққа қўшимча равишда тегишли миқдорда ромлар тайёрлаш маррасини белгиладилар. Механика цехининг коллективи йиғиш учун пландан ташқари 120 комплект вал ва шестерня жўнатиш мажбуриятини олдилар.

А. Борин бошлиқ йиғувчи слесарлар, А. Яшченко ва Я. Хабибулин бошлиқ токарлар бригадалари, ўнлаб бошқа коллективлар шу кунларда зарбдор график асосида ишламоқдалар.

Ангрен шаҳри кундан кунга чирой очиб бормоқда. Янги ҳашаматли иморатлар, маданият саройлари ва истироҳат боғлари, магистрал йўллар, массивлар шаҳарнинг янада кўркам бўлишини таъминлаяпти.

Суратларда: (чапда) шаҳарда геолог Чикризов шарафига ўрнатилган ҳайкал; Ангреннинг марказий кўчаларидан бири (юқорида); яқин кунларда фойдаланишга топшириладиган янги Ангрен ГРЭСи қурувчиларидан (пастда) А. Колесников, Л. Петрос ва М. Юзбаш; (ўнгда) Ангренда илк бор қурилаётган тўққиз қаватли бино битай деб қолди.

Б. Ҳакимов фотолари.

ҒИШТ ЗАВОДЛАРИ УЧУН КАДРЛАР КЕРАК

Коллективимиз зиммасидаги вазифа масъулиятли ва шарафлидир. Биз қишлоқ қурилишлари учун қимматли бинокорлик материаллари — ғишт етказиб беришимиз керак. Сўнгги йилларда қишлоқ қурилиши ҳажми тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Колхозлар ва совхозлар посёлкаларида янги-янги хўжалик бинолари, маданий-маиший муассасалар, уй-жойлар қад кўтармоқда. Бу қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари моддий турмуш фаровонлиги тобора ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Айни вақтда бундай ишлар кўламининг тобора кенгайиши бизнинг олдимизга яна мураккаброқ масалаларни қўяди. Чунки қишлоқ қурилишлари учун бинокорлик материаллари етказиб берётган корхоналар қатори заводимизда ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни тақозо этмоқда. Буни ҳисобга олиб ишлаб чиқаришни реконструкция қилишга алоҳида эътибор беряпмиз. Унинг техник даражаси оширилмоқда. Янги, замонавий техника воситалари ўрнатилмоқда. Конвейер линиялари ишга тушириляпти. Қўл меҳнати сарфи камаймоқда. Бу коллективимиз меҳнати кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келмоқда.

Масалан, кейинги қисқа вақт ичида заводимиз тўла қайта қуриляпти. Бу ишлар ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда амалга оширилди. Айниқса, айланма печларнинг газ билан ишлашга ўтказиш самараси яхши бўлди. Илгари эса кўмир ёқиларди. Бу анча мушкул эди. Чунки кўмир ёққанда ғиштнинг пишириш технологияси тез-тез бузилар, бунинг оқибатида сифатиз маҳсулот кўпайиб кетарди, ғиштларнинг анчагина қисми брак бўларди.

Газдан фойдаланиш эса печь ичида ҳароратни бир маромда сақлаб туришни осонлаштирди. Ҳароратнинг доим белгиланган даражада бўлиши ғишт пишириш жараёнининг бир маромда давом этишини таъминлади. Бу билан ишнинг миқдор ва айниқса сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди. Шуни айтиш кифояки, маҳсулот сифати икки баравар ортди. Унинг кўпчилиги давлат стандарти талабларига жавоб берадиган даражада бўлмоқда

Бу йил биз колхоз қурилишларига ками билан 9 миллион дона пишиқ ғишт етказиб беришни мўлжаллаб турибмиз. Бу эса ўтган йилги ишлаб чиқарилган жами маҳсулотга нисбатан деярли икки баравар кўпдир.

Кейинги йилларда ишчи-хизматчиларнинг маиший шароитларини яхшилаш билан кўпроқ шуғулланадиган бўлиб қолдик. Етоқхонада ахвол дурустланди. Ишчи хизматчиларимиз оилалари истиқомат қилаётган уйларнинг ҳаммасини капитал ремонтдан чиқардик. Уй-жой қурилиши ҳам олиб борилмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда 4 та икки квартирали уй барпо этмоқдамиз. Бу турар-жой муаммосини қисман бўлса ҳам ҳал қилиш имконини беради.

Умуман шу соҳада кўрилаётган тадбирларнинг ижобий самараси ой сайин сезилиб турибди. Аввало ишчи кучи қўнимсизлиги оз бўлсада камайди. Илгари бу бизга жуда катта зарар келтирарди. Бир жойда ишчи кўп йиллар давомида ишлагандан кейин малакаси ҳам ортади. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли бажариш, сифатини яхшилашга маълум даражада ижобий таъсир кўрсатиши ҳеч ким учун сир эмас.

Ишчи кучи қўнимсизлигининг камайиши қандай самара бераётганлигини Диловар Бекиров раҳбарлик қилаётган ғишт пишириш цехи мисолида кўриш мумкин. Илгари цех ишчилари тез-тез алмашиб турарди. Бу аввало ишлаб чиқариш шароитларининг талаб даражасида эмаслиги оқибатида содир бўларди. Кейинги йилларда цехда анчагина ўзгаришлар бўлди. Иш шароитлари нисбатан яхшиланди. Янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Натижада ишчи кучи қўнимсизлиги деярли барҳам топди. Маҳсулот сифати кескин яхшиланди. Кўпгина ишчилар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришадиган бўлиб қолдилар. Лидия Федосова, Лидия Михайлова, Валентин Канайкин, Анатолий Кретнев, Виктор Федосеевлар смена топшириқларини доим ортиғи билан адо этмоқдалар.

Ўн биринчи беш йилликнинг охиригача корхонани техника билан қайта ускуналаш ишларини давом эттирамиз. Бунинг натижасида айланма печ қуввати 40 процент ошади. Тўла автоматлашган ғишт пиширадиган ва қуритадиган печлар фойдаланишга топширилади. Бу корхонамиз ишлаб чиқариш қувватини анча оширишга олиб келади. Ушанда ҳар йили 11 миллион дона пишиқ ғишт ва 3 миллион дона хом ғишт ишлаб чиқарадиган бўламиз. Бу билан Оқ қўрғон районидаги колхозларда капитал қурилиши ишларини амалга оширишга қўшаётган ҳиссамиз яна кўпаяди.

Ушбу мақолада бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, кадрлар масаласидир. Ҳозирги вақтда биргина бизнинг Тошкент областимизда ўнлаб катта-кичик ғишт заводлари ишлаб турибди. Уларнинг коллективлари ҳар йили 100 миллион доналаб шундай қимматли қурилиш материалларини ишлаб чиқармоқдалар ва буюртмачиларга етказиб беришяпти.

Лекин саноатимизнинг бу тармоғи ривожланиш ўрнига орқага қараб кетмоқда. Ғишт ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга камайяпти. давлат планлари сурункасиз уддаланаётгани йўқ. Бу кўп жиҳатдан ғишт заводларида малакали кадрлар ва мутахассисларнинг етишмаётганлиги оқибатидир. Чунки республикамизда шундай корхоналар учун кадрлар умумий тайёрланмаяпти. Ваҳоланки ғишт заводлари тобора такомиллашиб бормоқда, мураккаб замонавий агрегатлар билан кенгроқ ускуналаш моқда. Уларни моҳирона бошқариш ҳамда унумли фойдаланиш учун техника «тили»ни биладиган мутахассислар керак. Шуни ҳисобга олиб, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларида ғишт заводларида ишловчи кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Ўйлаймизки, республика Ҳунар-техника таълими давлат комитети раҳбарлари бу мулоҳазамизни инобатга олишади. Малакали кадрлар етарли бўлса, ишимиз ҳам шунчалик енгил кўчади. ғишт заводларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш яхшиланади. Демак, бундай қимматли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш кўпайиб, сифати яхшиланади.

Т. АЛИЕВ,
Оққўрғон колхозлараро ғишт заводи директори.

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

ТАННАРХ АРЗОНЛАШМОҚДА

Ангрен автомобиль ремонти заводида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган меҳнат беллашуви янги-янги ютуқларнинг қўлга киритилишига олиб келди. Йил бошидан бери 1 миллион 355 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Реализация топшириғи ҳам 1300 минг сўмликка етказиб адо этилди. Бу эса пландагидан 20 минг сўм кўп демакдир.

Коллективнинг асосий мақсади меҳнат унумдорлигини бир процентга ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процентга арзонлаштиришдир. Шунинг учун ҳам барча ҳаракатлар ана шу мақсадга қаратилмоқда. Шу йилнинг ўтган олти ойи ичида бу борада қувончли натижаларга эришилди. Меҳнат унумдорлиги топшириғи 105,9 процентга адо этилди. Маҳсулот таннархи эса 3,3 процентга арзонлашди.

Двигателларни ремонт қилишга ихтисослашган Ж. Бекмаматов бошчилигидаги бригада азаматлари маҳсулот таннархини арзонлаштиришда коллективда байроқдор бўлиб олдилар. Улар қисқа муддат ичида кўпроқ ҳажмдаги ишларни бажариб бир қатор материалларни тежаб қолиш эвазига жами маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эришмоқдалар.

М. АЛИМОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

КОЛЛЕКТИВДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот—сайлов йиғилишлари қизғин давом этяпти. Бу муҳим сиёсий кампанияда коммунистлар партия XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида ўз фаолиятларини чуқур таҳлил қилиб, янги вазифаларни белгилаб олмоқдалар.

Паркент район партия группаларида ҳисобот—сайлов йиғилишлари якунланди. Райондаги саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари ва хўжаликларда 41 та партия группаси ташкил этилган. Уларнинг составида 256 КПСС аъзоси бор. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистларнинг 97,3 проценти иштирок этди. Йиғилишларда 117 нафар коммунист сўзга чиқди. Шуниси қувончлики, сўзга чиққан коммунистларнинг 71,8 проценти оддий ишчи ва колхозчилардир. Улар ўз партия группалари ишини атрофлича таҳлил қилдилар. Мажлисларда танқид ва ўз-ўзини танқид, камчиликларга нисбатан муросасизлик руҳи сезилиб турди. Нотиқлар группалар фаолиятидаги нуқсонларни очиб ташлаб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатдилар. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, фан ва техника ютуқлари, илғорлар тажрибаларини кенг жорий этиш, социалистик мусобақанинг оммавийлигини таъминлашга қаратилган қатор мулоҳазаларни билдирдилар.

Коммунистлар партгруппаларга ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида шахсий намуна кўрсатган баобрў кишиларни ташкилотчи қилиб сайладилар. Партия ташкилоти авангардлигини ошириш, коммунистларнинг коллектив олдидаги масъулиятини кучайтириш вазифалари қўйилди.

Райондаги цех партия ташкилотларида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди. Калинин номли совхозда 6 та цех партия ташкилоти бор. Уларнинг составида 108 нафар коммунист бор. Партия комитетининг июль ойида бўлиб ўтган мажлисида ҳисобот-сайловларга тайёргарлик ва уларни ташкилий масаласи муҳокама қилинди. Цех партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида ҳисобот, доклади тайёрловчи группалар ташкил этилди.

Совхозда 500 гектар мевали боғ, 370 гектар узумзор бор. Бу йил давлатга 1500 тонна узум, 950 тонна ҳўл мева топшириш лозим. Боғдорчилик ва узумчилик бригадалари цех партия ташкилотларидаги мажлисларда етиштирилган маҳсулотларни нес—нобуд қилмай йиғиштириб олиб, сифатини бузмаган ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш резерв ва имкониятлари ҳақида фикр юритилмоқда.

Яқинда сут товар фермаси цех партия ташкилотининг ҳисобот—сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда доклад қилган цех партия ташкилотининг секретари Ў. Йўлдошева чорвачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида фахр билан гапирди. Ўтган етти ой мобайнида 9,2 тонна гўшт, 25 тонна сут кўп етиштирилди.

Докладчи ва сўзга чиққан коммунистлар сут товар-фермасида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам борлигини эътироф этдилар. Жумладан, ўтган олти ой мобайнида 1 центнер сут етиштириш пландаги 27,4 сўм ўрнига 42,63 сўмга, гўшт етиштириш пландаги 222,9 сўм ўрнига 477 сўмга тўғри келаяпти. Бунинг сабаби хўжаликда чорва озуқаси жамғаришга етарли аҳамият берилмаётганлигидир. Жумладан, совхоз бошқа хўжаликлардан ўтган йили 324 тонна кўк масса сотиб олганди. Бу йил ҳам 437 тонна ширали озуқа харид қилинди. Фермадаги сут соғиш, қорамолларни парвариш қилиш ишлари механизациялаштирилмаган. Шунингдек, хўжалик фермасида шахсий моллар боқилишига ҳам йўл қўйиляпти.

Коммунистлар фермада мураббийчилик ҳаракати йўлга қўйилмаганлигини ачиниш билан тилга олдилар. Шарофат Турсунова, Мавжуда Қодирова, Ўғилби Йўлдошева каби тажрибали соғувчилар шу пайтгача бирорта ҳам шогирд тайёрлашмаганлиги танқид қилинди. У. Қуронов, О. Холтоев, П. Ҳусанбоев каби зооветеринария мутахассисларнинг масъулиятсизлиги туфайли қорамоллар турли касалликларга чалинмоқда. Шу сабабдан ҳозирги пайтда соғин сигирлар бош сони ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 24 бошга камайиб кетди.

Колхоз партия комитети партия группалари ва цех партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган ҳисобот—сайлов йиғилишларини жараёнида коммунистлар томонидан билдирилаётган танқидий мулоҳазалар, қимматли таклифларни умумлаштириб, уларни амалга ошириш борасида конкрет тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Бу — умумий иш учун катта фойда бериши шубҳасиз.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

«СЕЛЬСКАЯ НОВЬ» САҲИФАЛАРИДА

Ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп «Сельская новь» журналининг навбатдаги сони ёзувчи Леонид Ивановнинг «Расцвет»га йўл» очерки билан очилади. Унда Калинин областидаги «Расцвет» колхози раиси А. И. Ивановнинг характеридаги ҳаётий қонун-қоидаларга айланиб қолган мустаҳкам эътиқод ва ҳозиржавоблик, эл иши учун жон куйдириш, қатъий интизом ва тартиб бутун коллектив учун ибрат мактабига айланиб қолганлиги ҳикоя қилинади.

Журналда ўз мақолалари билан қатнашган Полтава область Корлова район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси М. Онацко ва Тула область Ефремовский райони агросаноат бирлашмаси Советининг раиси В. Левикинлар шу соҳаларда эришилаётган ютуқлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар хусусида фикр юритганлар. А. Моргуннинг бадиий очеркида эса Литвадаги Дарбенай қишлоғида ёш авлодга ғамхўрлик қилиш борасидаги бой тажрибалар батафсил таҳлил қилиб берилган. В. Борисенко ва Г. Кадеталарнинг журнал саҳифаларидан ўрин олган фоторепортажлари Гомель областидаги Телеш қишлоғи кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонликлари ва шу кунлардаги бунёдкорлик ишларини ёритишга бағишланган. Ўқувчиларда тарих фанлари кандидати Э. Паиннинг Ўрта Осиё аҳолиси яшаш жойларининг демографик анализи берилган мақоласи ҳам қизиқиш уйғотади.

Яқинда Ставрополь ўлкасидаги Горькая балка қишлоғида халқ картиналари галереяси очилди. Санъат ихлосмандлари шу ҳақда чоп этилган репортажни қизиқиш билан ўқишларига шубҳа йўқ.

Журналда, шунингдек, ёзувчи Ю. Черновнинг «Егоровка» номли очерки, Чимкент область халқ ижодкорларининг шу кундардаги фаолиятлари, ленинградлик психолог Л. Ковалеванинг оилавий ҳаётга доир мулоҳазалари, қирғизистонлик мўйқалам соҳиби С. Бакашевнинг асарларидан намуналар, В. Пронининг «Ёнғиндан сўнг» номли саргузашт қиссасининг давоми босилган.

Журналнинг «Уй-рўзғор ишлари» бўлимида турли касб мутахассисларининг ўқувчиларга фойдали маслаҳатлари берилган.



«ҚУЁШ—МЕТАЛЛУРГ»

● Стародубцев номли Тошкент физика-техника институтида қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича катта тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий муассасада 4 минг даражагача иссиқлик берадиган қуёш печлари яратилди. Бу ҳарорат билан ҳар қандай ўтга чидамли металларни ҳам эритиш мумкин. Суратларда: лаборант М. Носирова (юқорида) қуёш ошхонасини созламоқда; етакчи инженер Г. Арушанов ва катта инженер Ф. Солиховалар навбатдаги тадқиқот устида.

В. Казанцев фотолари. (ЎзТАГ).



ҲАР СЎЗНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

Газетанинг шу йил 5 июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали матбуот обзорида Бўка районида чиқадиган «Пахтакорлар овози» газетаси саҳифаларида ортиқча тасвирлар ва мақтовларга, умумий жумлаларга кенг ўрин берилган лавҳа ва очерклар, мақолалар танқидий жиҳатдан таҳлил қилинган эди.

Матбуот обзорига Ўзбекистон КП Бўка район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. И. Исломовдан олинган жавобда қуйидагилар айтилади: матбуот обзори редакция коллективи ўртасида муҳокама қилинди. Кўрсатилган камчиликлар ва нуқсонлар, бидирилган фикр ва мулоҳазалар тўғри эканлиги қайд қилиб ўтилди.

Редакция коллективи йиғилишида хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг мудири Э. Саидкаримов район ҳушёрхонасидан келган мақолани текширмай, газета саҳифасида эълон қилиниши ҳақида ёзма равишда огоҳлантирилгани учун жиддий огоҳлантирилди.

Шунингдек, район ички ишлар бўлимида бўлиб ўтган йиғилишда ҳушёрхона бошлиғи П. Тожибоев Н. Султонов тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлмаганлиги ҳолда редакцияга нотўғри ахборот берганлиги учун қаттиқ огоҳлантирилди.

Район партия комитети газета редакцияси ишини яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, газетанинг ҳозирги кун талаби асосида актуал ва мазмундор мақолалар билан чиқишини таъминлаш мақсадида редакцияга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

ЁЛҒИЗ ФАРЗАНДНИНГ БАХТИ

Улжаҳон одатдагидек тонг отмасданоқ уйғонди.

— Тўйиб ухлаб олсанг-чи, болам, ҳали эрта-ку, — деди аллақачон ҳовлида куймаланаётган онаси меҳрибонлик билан.

— Нонга хамир қориб кетай, тушликда келиб ёпиб оламан.— Улжаҳон шундай дея, ошхона томон юрди. Онаси ишком остидаги сўрига ўтирар экан, ёлғиз қизининг ҳаёти ҳақида ўйга толди.

...1956 йилда ўрта мактабни битиргач Улжаҳон қишлоқда ишлашга, онасига ёрдам беришга қарор қилди. Онаси унга узоқ тикилди, сўнгра дилидагини айтди:

— Қўлингга кетмон ушлашга шошилма, қизим, ахир ёлғизимсан, ўқишингни давом эттирсанг, орзу-ҳаваснгни кўрсам дегандим. Мен-ку бир амаллаб кунимни ўтказарман.

— Биласизми, ойижон,— Улжаҳон кўзларини ерга тикди.— Очиғини айтсам, бирон-бир соҳани танлаганим йўқ. Ҳозирча далада ишлаб турай, балки кейинчалик...

У қанчалик қаршилик кўрсатмасин, онаси сўзида туриб олди. Ўзи истар-истамас кўпчилик дугоналари қатори олий ўқув юртига ҳужжат топширди. Лекин омади келмади, шаҳардан алланечук синиқ кайфиятда қайтди.

— Майли, болам,— деди онаси мулзам бўлиб, — кўнгил чопмаган ишга қўл урсанг, барибир омадинг юришмас экан. Далада ишлай қол. Деҳқончилик ота-бобонг касби, кам бўлмайсан.

Ўша йилиёқ Улжаҳон Охунбобоев номли колхозда ишлай бошлади. Ҳамкасб дугоналари каби ғўзани ўтдан тозалади, сув таради, пахта терди, лекин бирон марта ҳам ўз ишидан нолимади. Эҳтимол, шу сабабданми, бошқа соҳанинг этагидан ҳам тутмади. Лекин бунинг учун ҳозир ҳам афсуслан-майди. Ахир у далада ўз бахтини топди, пахта орқали элга танилди. Халқ ишончи билдириб уни республика Олий Советига депутат қилиб сайлади, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан тақдирланди.

«Ҳа, ишқилиб, ёлғизгинамнинг бахти янада тўкис бўлсин, невараларимга ҳам унинг йўлини берсин...»

Ая шундай ҳаёллар билан бўлиб, беихтиёр овоз чиқариб, «Кўрсатганингга шукур» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Ойи, сўрида мудраб ширин туш кўрдингизми, дейман.

Ошхонадан чиққан Улжаҳон онасига боқиб, сирли жилмайди.

— Йўқ, болам,— онаси енгил хўрсинди.— Сенинг бахтинг ҳеч қачон тушга айланмасин, доимо тани-жонинг соғ бўлсин...

Биз ҳикоя қилаётган бу оддий колхозчи аёл Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси Улжаҳон Ёқубовадир. У ўз бахтини далада топганлардан, тақдирини меҳнат билан яратганлардан бири. Мана, салкам ўттиз йилдирки, хўжаликнинг Бектурғон Абдулхайров бошлиқ бригадасида меҳнат қилиб келади. Барча қатори мўл ҳосил етиштириш учун ҳалол ишлайди.

Бу йил мавжуд 91 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олишга астойдил бел боғлаган бригада миришкорлари ғўза парваришини қизғин олиб бормоқдалар. Сифатли парваришланаётган, деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар кун сайин бўй чўзмоқда, бўлиқ ва ҳосилдор бўлиб етилмоқда. Бунда Улжаҳон Ёқубованинг ҳам хизматлари катта бўлмоқда. У ҳамкасбларига ғўза парваришида намуна бўлиш билан бир қаторда депутат сифатида ҳам катта вазифаларни амалга оширмоқда. Халқ наказаларини ўз вақтида адо этиб, пахтакорлар турмушининг янада фаровонлашиши учун жон куйдирмоқда.

Ҳ. НОРҚУЛОВ.

ЛАВҲА

Тажрибакорлар даласида

ҲАР СОҲАДА ИЛҒОР

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг Кавардон участкаси деҳқонлари хўжаликда ҳар соҳада илғор. Улар юбилей йилида ҳам баракали меҳнат қилишяпти. Айни кунларда 350 гектар пахта, 220 гектар каноп ҳамда 138 гектар маккажўхори экилган майдонларни айлансангиз мўл ҳосил етиштирилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

—1984 йилда ҳар гектаридан 45 центнердан пахта, 250 центнердан каноп ҳамда 100 центнердан маккажўхори дони ва 600 центнердан силос олишга аҳд қилганмиз,— дейди участка механигининг ёрдамчиси Қўчқор Омилбоев. — Айни пайтда барча экинлар агротехника талаблари асосида парвариш қилинаётир. Бунда механизаторларимиз барчага ибрат бўлишмоқда. Участкамизнинг Ҳамид Аҳмедов, Турдимурод Рўзиматов, Йўлдош Холхўжаев, Сойазиз Умаров каби тажрибали механизаторлари мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, бу участкада етиштирилаётган ҳосилнинг асосий қисми механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинади. Участка деҳқонлари ҳам экинлар парваришида асосий эътиборни ана шунга қаратадилар. Масалан, бу йил «оқ олтин»нинг 90 проценти «зангори кема»лар ёрдамида териб олинади. Бунинг учун ҳозирданоқ пахта тайёргарлик кўриляпти. 10 та ХТ-108 маркали пахта териш машинаси аллақачон сифатли ремонтдан чиқарилиб, тайёрлик чизигига келтириб қўйилган. Бундан ташқари бу йил машиналарнинг ҳаммасига вақтдан унумли фойдаланиш учун спиралли шпинделлар ўрнатилди. Бу пахтани ҳам тоза, ҳам сифатли териб олишни таъминлайди. Бундан ташқари 4 та ОВХ-14 ва ОВХ-4 маркали агрегатлар ғўзани ўз вақтида дефолиация қилиш учун тайёр турибди. 60 та прицеп ҳам ўз вақтида ремонтдан чиқарилган.

Ҳадемай участка деҳқонлари йиғим-теримни бошлаб юборишади. Биринчи навбатда маккажўхори ҳосили йиғиштириб олинса, кейин каноп ўрими бошланади. Шундан сўнг эса «оқ олтин» теришга киришишади. Бу участкада ҳамма иш конвейер усулида, тартибинтизом билан олиб борилади. Шунинг учун ҳам уларнинг хирмонлари йилдан-йилга юксалиб бораяпти.

З. ТОЖИБОЕВ.

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотларини бериш комиссиясидан

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА

Фан ва техника соҳасида Тошкент область Ленин комсомоли мукофотларини бериш комиссияси 1984 йил мукофотларига тақдим этилган ёш олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, аспирантлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, ихтирочилар ва рационализаторларнинг ишларини кўриб чиқиб, конкурсга қуйидагиларни киритди:

ФАН СОҲАСИДА

1. **Алимов К. З.**— «Халқаро кескинликни юмшатиш жараёнида АҚШ ташқи сиёсатидаги идеологик йўналишлар»

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети томонидан тавсия қилинган.

2. **Қодиров Э. А.**— «Терининг шиш ва шишдан олдинги касалликлари криотерапияси»

Тошкент Давлат Медицина институти томонидан тавсия қилинган.

3. **Назиров Ф. Ғ.**— «Жигар касаллиги билан оғриган беморларда қон айланишини хирургик йўл билан яхшилаш».

Бутуниттифоқ хирургия илмий маркази томонидан тавсия қилинган.

4. **Рашидов Х. Ф.**— «Банк тақсимлаган маълумотлар асосида интеграллашган автомат бошқариш системасини тузиш методларини ишлаб чиқиш».

Ўзбекистон «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тавсия қилинган.

5. **Самархўжаева М. Х.**— «Болалар тарбиясида ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари масалалари бўйича совет қонунчилигининг ривожланиши».

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан тавсия қилинган.

6. **Ҳасанова Ф.**— «Гербицидларни системали қўлланиш таъсири ва далалар цитоцинозига кўра алмашинуви ҳамда пахта ҳосилдорлиги».

СоюзНИХИ томонидан тавсия қилинган.

7. **Ҳамдамов Ю.**— «Партия-совет журналистикаси назариясида ва практикаси бўйича цикл илмий мақолалар».

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети томонидан тавсия қилинган.

8. **Шайхов А.** — «Миср шаҳрида капиталистик мулкдорликнинг қуйи формалари».

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан тавсия қилинган.

ТЕХНИКА СОҲАСИДА

9. **Гервас С. К. Иванов А. А.** — «Шпинделли барабанларни ўлчаш учун диагностик асбоб».

Машина-трактор парклари ремонт қилиш ва фойдаланиш илмий-тадқиқот технологик институтининг Ўрта Осиё филиали томонидан тавсия қилинган.

10. **Зрулин В. И.**— «Икки ярусли плугларнинг лемехларини қайта тиклашнинг чиқиндисиз технологиясини яратиш бўйича тадқиқот олиб бориш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш».

Машина-трактор парклари ремонт қилиш ва фойдаланиш илмий-тадқиқот технологик институтининг Ўрта Осиё филиали томонидан тавсия қилинган.

11. **Назаров Б.**— «Асалари уяларини ташишга мўлжалланган янги прицеплар ни ишлаб чиқиш, тадқиқ этиш ва жорий қилиш».

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институти томонидан тавсия қилинган.

8. **Шайхов А.** — «Миср шаҳрида капиталистик мулкдорликнинг қуйи формалари».

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан тавсия қилинган.

12. **Рашидов Ю. К.**— «Иссиқлик ва совуқлик билан таъминлашнинг гелиосистемаларида ишлатиладиган гидротермик жараёнлардан фойдаланиш».

Экспериментал лойиҳалаш Тошкент зонал илмий-тадқиқот институти томонидан тавсия қилинган.

13. **Шаталова И. А., Васильев А. Н., Тожиева М. С., Баубеков К. Т., Соколов Н. Л.** — «Ўзбекистон ССР Энергетика министрлигига қарашли иссиқлик электростанциялари ва қозонхоналарида чиқадиган газлардаги заҳарли моддалар нормасини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш».

В. А. Бугаев номидаги Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти, «Промгаз» Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиали ва «Средазэнерго» томонидан тавсия қилинган.

* * *

Комиссия конкурсга киритилган ишлар рўйхатини эълон қилар экан илмий муассасалар, корхоналар ва олий ўқув юртлари раҳбарларига, комсомол комитетларига ёш олимлар ва мутахассислар советларига, бошқа жамоатчилик ташкилотларига мурожаат қилиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, шунингдек жамоатчилик муҳокамаси қайд этилган материалларни 1984 йил 1 октябргача қуйидаги адресга жўнатишларини илтимос қилади: 700029, Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов проспекти, 9. Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети, ёшлар илмий сектори. Телефон: 33-36-13, 32-29-97.

ЭНГ ЯХШИ БАДИИЙ, САНЪАТ АСАРЛАРИ ВА ЮКСАК ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТЛАРИ УЧУН

Энг яхши бадиий, санъат асарлари ва юксак ижрочилик маҳоратлари учун Тошкент область Ленин комсомоли мукофотларини бериш комиссияси 1984 йилги область Ленин комсомоли лауреати унвонини олиш учун конкурсга қуйидаги номзодлар киритилганлигини хабар қилади:

АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА

1. **Абдуазимова У. М.** — «Ёш ленинчи» газетаси мухбири, «Севилганда» шеърий тўплами ва область зарбдор комсомол-қурилишларида меҳнат қилаётган ёш қурувчилар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи очерклар туркуми учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Ленин район комитети ва «Ёш ленинчи» газета редакцияси тавсия қилган.

2. **Жабборов Т. Д.** (Тўра Мирза) — Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги репертуар-редакцион коллегияси редактори, «Майсалар ҳайқириғи» лирик шеърлар тўплами учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Октябрь район комитети ва Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан тавсия қилинган.

3. **Пардабоева А. А.** — Чиноз район пионерлар уйи адабиёт тўгараги ва «Ленин байроғи» район газетаси редакцияси қошидаги «Умид» адабий клубининг раҳбари. Актив ижодий фаолияти ва ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашдаги катта хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Чиноз район комитети ва «Ленин байроғи» район газетаси редакцияси томонидан тавсия қилинган.

4. «Оҳангарон» район газетаси қошидаги **«Илҳом» ижодий клуби** (раҳбари Эралиева З.) — ижодкор ёшларни тарбиялашдаги катта ишлари ва район ташкилотларида олиб борилаётган пропаганда ва агитация тадбирлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Оҳангарон район комитети, Ўзбекистон ёзувчилар союзи Тошкент область бўлими, «Оҳангарон» район газетаси редакциялари томонидан тавсия қилинган.

КИНЕМАТОГРАФИЯ, ТЕАТР САНЪАТИ ВА КОНЦЕРТ-ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА

5. **Шукуров Ғ. С.** — Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси оператори. «Ота уйи», «Мевалар марафони», «Тарихий репортаж» фильмлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Чилонзор район комитети, Ўзбекистон кинематографчилар союзи, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан тавсия қилинган.

6. Тошкент шаҳридаги **Охунбобоев номли маданият уйининг халқ театри** (раҳбари — Умаров Ш.) Ўзбекистон драматурглари асарларини актив пропаганда қилиш ва юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармаси томонидан тавсия қилинган.

7. **Йўлдошев Б. Х.** — Паркент районидаги Ю. Ражабий номли болалар музика мактаби ўқитувчиси. Ўзбекистон миллий музика санъатини актив пропаганда қилаётганлиги ва юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Паркент район комитети ва район маданият бўлими томонидан тавсия қилинган.

8. **Йўлдошев К. А.** — республика ҳунар-техника таълими маданият уйининг «Ҳилола» ансамбли солисти. Область зарбдор комсомол қурилишларидаги концерт программалари ва юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети республика ҳунар-техника таълими маданият уйи томонидан тавсия қилинган.

ЦИРК САНЪАТИ СОҲАСИДА

9. Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг **«Рассвет» цирк халқ коллективи** (раҳбари Катаев З.).

Шаҳар комсомол-ёшларига маданий хизмат кўрсатишдаги актив иштироки ва юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Чирчиқ шаҳар комитети «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият ва техника саройи томонидан тавсия этилган.

10. Тошкент ҳайвонот боғи **ҳайвонлар театри** (раҳбари Новикова Л. Н.). Ёш авлодни экологик тарбиялаш ва маданий-оммавий тадбирлардаги актив иштироки учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Куйбишев район комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармаси томонидан тавсия қилинган.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ СОҲАСИДА

11. Калинин район маданият уйи қошидаги **«Ҳосил» мақомчилар халқ ансамбли** (раҳбари Муллабоев И.). Ўзбек фольклор санъатини пропаганда қилишдаги катта ишлари ва юксак ижрочилик маҳоратлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Калинин район комитети ва район маданият бўлими томонидан тавсия этилган.

12. Пискент районидаги Тельман номли колхознинг **«Завқ» ашула ва рақс ансамбли** (раҳбари Абдуллаев Ҳ.). Қишлоқ ёшларини эстетик руҳда тарбиялаш, бадиий ҳаваскорлик ижодиётини юксалтиришдаги улкан хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Пискент район комитети ва район маданият бўлими томонидан тавсия қилинган.

13. Оҳангарон район маданият уйи қошидаги **«Оҳангарбо» ашула ва рақс ансамбли** (раҳбари Жанаев Т.), Ўзбекистон миллий санъатини пропаганда қилишдаги самарали ишлари ва юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Оҳангарон район комитети, район маданият бўлими томонидан тавсия қилинган.

14. Бекобод район маданият уйи қошидаги **«Зафар тароналари» ашула ва рақс ансамбли** (раҳбари Қурбонов Т.). Қишлоқ ёшларини эстетик руҳда тарбиялаш ва бадиий ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантиришдаги катта ҳиссаси учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Бекобод район комитети ва район маданият бўлими томонидан тавсия қилинган.

15. **В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети маданият саройининг академик хори** (раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шарапова И.). Ёшларга маданий хизмат кўрсатишдаги актив иштироки, халқ бадиий ижодиётини ривожлантиришдаги юксак хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Собир Раҳимов район комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети томонидан тавсия қилинган.

16. Бекобод шаҳар пионерлар уйи қошидаги **«Пахтаой» болалар рақс ансамбли** (раҳбари Умаров К.). Болалар бадиий санъатини пропаганда қилишда актив иштирок этаётганлиги ва юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Бекобод шаҳар комитети ва шаҳар маданият бўлими томонидан тавсия қилинган.

17. Ўрта Чирчиқ район «Северний маяк» колхозининг **«Маяк» рақс ансамбли** (раҳбари Нам В.). Хўжаликларда берилган концерт программалари ва қишлоқ ёшларини эстетик руҳда тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссалари учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Ўрта Чирчиқ район комитети ва район маданият бўлими томонидан тавсия қилинган.

18. Шарқий Қурама геология-қидирув экспедицияси «Геолог» маданият ва спорт уйининг **«Минерал» вокал-чолғу ансамбли** (раҳбари Пустовой В. И.). Маданий-оқартув тадбирларида актив иштироки ва юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Ангрен шаҳар комитети ва шаҳар маданият бўлими томонидан тавсия қилинган.

19. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати маданият саройининг **«Металлург» агитация бадиий бригадаси** (раҳбари Алямин Ҳ.). Шаҳар корхона ва ташкилотларида олиб бораётган агитация-пропаганда ишлари ва ёшларни эстетик руҳда тарбиялашга қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Чирчиқ шаҳар комитети ва область касаба союзлари совети союзлараро бадиий ҳаваскорлик уйи томонидан тавсия қилинган.

20. Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғи **«Қизил чиннигул» эстрада ансамбли** (раҳбари—Алтухов Ю.). Совет музика санъатини пропаганда қилиш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги актив иштироки учун.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар маданият бошқармаси томонидан тавсия қилинган.

* * *

Комиссия мукофотга номзодларни муҳокама қилишда иштирок этадиган жамоат ва ижодий ташкилотлар, барча гражданлардан миннатдор бўлади. Номзодлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга юборишингиз мумкин: 700029, Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов проспекти, 9. Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети, пропаганда ва маданий-оммавий ишлар бўлими. Телефонлар: 33-36-13, 33-41-14.

ҚИШЛОҚ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ТЎГАРАКЛАРИДА

ХИЗМАТЛАРИДАН ЭЛ ХУРСАНД

ОҚҚЎРҒОН. С. Сегизбоев номли совхоз маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг аъзолари асосан ёшлар. Улар орасида ўқувчилар ҳам, ишчилар ҳам бор. Тўгаракка Раҳматжон Рўзиқулов раҳбарлик қилади.

Кейинги йилларда тўгаракда қатор муваффақиятларга эришилди. Энг муҳими ҳаваскорлар меҳнат аҳли эътиборини, ҳурматини қозондилар. Айниқса. дала меҳнаткашлари ёш ижрочилардан миннатдор. Санъаткорлардан Руқия Алижонова, Акбар Нишонов, Зоиджон Аминов, Рустам Қўзиевларнинг изланувчанликлари, интилувчанликлари яқинда Киров номидаги 23-ўрта мактабда драматург К. Яшининг «Ҳамза» драмасини саҳналаштирганларида яна бир бор намоён бўлди.

— Шуниси қувончлики,— дейди Р. Рўзиқулов,—тўгарагимиз фаолиятини янада яхшилаш учун совхоз маъмурияти ҳамма шароитни яратиб берган. Чолғу асбоблари, репетиция учун махсус хоналар етарли. Совхоз маданият уйи, шунингдек, район марказий маданият уйи билан алоқамиз мустаҳкам.

Ҳа, шундай. Бу қишлоқ бадиий ҳаваскорлик тўгараги коллективи бир неча марта хўжалик меҳнат аҳлига кўрсатган яхши хизматлари учун совхоз дирекцияси, партия комитети ва комсомол комитетининг фахрий дипломларини олишга муяссар бўлди. 1981—1982 йилларда ўтказилган район бадиий ҳаваскорлик коллективлари кўрик конкурсида ғолиб чиқишди. Улар маданият ходимлари область касаба союз комитетининг ҳам фахрий ёрлиқларини қўлга киритишган.

А. МУСТАФОЕВ.

ЖАҲОН ХАБАРЛАРИ

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Чехословакия — Совет дўстлиги номидаги 800 та социалистик меҳнат бригадаси Прага корхоналарида 1984 йилги давлат планини ва СССРга етказиб бериладиган маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилди. Ана шу мусобақа пешқадамлари орасида техноэкспорт бирлашмасининг, керамика заводининг, деҳқончилик ва озиқ-овқат илмий-тадқиқот институтининг бригадалари бор.

Прагадаги ихтисослашган корхоналарнинг Совет Иттифоқидаги миҳозлари билан барқарор кооперация алоқалари муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Бу эса конкрет ишлаб чиқариш вазифаларини ўзаро маҳсулот етказиб бериш муддатлари билан боғлаш, буюртмаларни зарур ресурслар билан таъминлаш тўғрисида олдиндан ҳамкорлик қилиш имконини беради.

●

УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахтидаги энергетика ва иссиқлик системалари Халхин-Голдаги тарихий ғалабанинг 45 йиллигини байрам қилиш арафасида қўшимча салмоқли қувватга эга бўлди. Бу ерда қурилаётган ТЭЦ-4 нинг иккита ишга туширилдиган комплекси доимо фойдаланиш учун топширилди. Буларга соатига 420 тонна буғ ҳосил қилиш қувватига эга бўлган иккита қозон агрегат, қуввати 80 мегаватт келадиган турбогенератор ва 20 та бошқа ҳар хил цех ва объектлар киради.

Ана шу ишга туширилдиган иккита комплексни ишлатиб тажриба қилиб кўрилганидан кейин ишчи комиссияси қабул қилиб олди. Текшириб кўриш вақтида барча ускуналар ғоят мустаҳкам ва тежамли эканлиги маълум бўлди.

●

БУДАПЕШТ. Венгриядаги «Видеотон» корхонасининг маҳсулоти — турли ҳисоблаш қурилмалари, шу жумладан митти электрон ҳисоблаш машиналари чет эллларда тобора кўпроқ машҳур бўлмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши бошқа мамлакатларининг буюртмаларига мувофиқ кейинги йилларнинг ўзида 500 та ҳисоб машинаси тайёрлаб берилди. Бу қурилмалар нефть ва газ қазиб чиқариш саноатининг корхоналарида, ишлаб чиқаришни бошқаришда муваффақиятли равишда қўлланилмоқда.

«Видеотон»нинг қардош мамлакатлардаги корхоналар билан ҳамкорлиги ва ишлаб чиқариш соҳасидаги кооперацияси тобора янги шакллар касб этмоқда. Узоқ муддатли программалар асосида венгер заводининг мутахассислари янги ҳисоблаш комплекслари ва системаларини ишлаб чиқишда қатнашиб, кичик компьютерлар ва ЭҲМ учун алоҳида блоклар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда.

Социалистик давлатларнинг ва аввало Совет Иттифоқининг ташқи савдо ташкилотларидан олинаётган катта-катта буюртмалар туфайли ВХРда электрон техника ишлаб чиқариш шу беш йилликда 60 процент кўпайди. Ҳисоблаш техникаси Венгрия халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Ҳозир республикада 20 тадан кўпроқ ҳисоблаш марказ ташкил этилган, улар иқтисодий ва илмий маълумотлар, социал прогнозлашни ишлаб чиқишда кўмаклашмоқда.

(ТАСС).

● Болгарияда мураббийчилик ҳаракати кенг қулоч ёйган. Моҳир ишчилар корхоналарга келаётган ёшларгагина эмас, шунингдек, мактаб ҳунар-билим юртлари ва техникумлар ўқувчиларига ҳам ўз касбларини ўргатадилар. Бу сурат Стара Загора шаҳридаги «Наталия» трикотаж фабрикаси цехларидан бирида олинган. Бу ердаги техникум ўқувчиларининг ишлаб чиқариш практикасига юқори малакали мастер Петра Орешкова раҳбарлик қилмоқда.

БТА—ТАСС фотоси.

БОЛГАРИЯДА СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯНИНГ 40 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Шу йил 9 сентябрда қардош болгар халқи миллий байрам — социалистик революциянинг 40 йиллигини кенг нишонлайди. Бу шонли сана муносабати билан газетамиз саҳифаларида БХРнинг халқ ҳокимияти йилларида эришган улкан муваффақиятлари, метиндек мустаҳкам совет-болгар дўстлиги, Болгариянинг Хасково округи ва областимиз меҳнаткашлари ўртасидаги қардошлик алоқалари тўғрисида мақолалар эълон қилинади.

Бугун газетхонлар эътиборига болгар профессори Н. Царевскийнинг БХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги иштироки ҳақидаги мақоласи ҳавола қилинмоқда.

Болгария Халқ Республикасининг социалистик ҳамдўстликдаги актив иштироки унинг экономикасини жадал ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Болгария тарихан қисқа давр ичида замонавий саноат ва қишлоқ хўжалигини барпо этди. Ўтмишдаги қолоқ аграр мамлакатдан ривожланган аграр-саноат давлатига айланди. Бугунги кунда у саноатнинг машинасозлик, қора ва рангли металлургия, химия, енгил ва озиқ-овқат саноати каби ривожланган тармоқларга эгадир.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ихтисослаштириш ва кооперациялаш доирасида ишлаб чиқарилаётган машинасозликнинг 10 мингтадан кўпроқ буюмларидан қариб 600 таси Болгарияда тайёрланмоқда. Юк кўтариш-транспорт машинасозлиги мамлакатдаги ихтисослаштирилган энг йирик ишлаб чиқаришлардан биридир. Ҳозирги пайтда БХР ЎИЁК аъзоларининг электр ва автокараларга бўлган эҳтиёжининг 80 процентдан кўпроғини қондиради. Социалистик ҳамдўстлик доирасида ихтисослаштириш учун тақсимланган салкам 260 хилдаги қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторларидан 60 тасини Болгарияда ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу токзорлар орасига ишлов бериш ва кўчат ўтказиш учун мўлжалланган, сабзавотзорлар ва мевазорларда ишлайдиган машиналар, тамакини қуритиш учун агрегатлар, силос комбайнлари, сеялкалар, мева, гаримдори, тамаки, узумни йиғиштириб оладиган комбайнлардир. Болгария қардош социалистик давлатларга экспорт қилинадиган бир неча турдаги бошқа комбайнларни ҳам ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

БХР СССР, Чехословакия, Польша ва Венгрия билан автомобилсозлик соҳасида халқаро ихтисослаштириш ва кооперациялашда иштирок этади. У «Жигули» енгил автомобиллари учун 10 турда узел ва деталлар тайёрлаб беради. Улар Волга автомобиль заводининг бу қисмларга бўлган эҳтиёжининг ярмини қоплайди. Республикада, шунингдек, КамАЗ» юк автомобиллари учун руль механизмлари, «ГАЗ» ва «ЗИЛ» машиналари учун генераторлар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари Болгарияда енгил ва юк автомобиллари йиғилади. Чехословакия билан биргаликда «ЛиАЗ» ва «Татра» юк автомобиллари учун турли хил қисмлар тайёрланади. Венгрияга бизнинг мамлакатимиз «Икарус» автобуслари учун баъзи қисмлар етказиб беради.

Болгариянинг ҳозирги замон электротехника ва электрон саноати 30 турдаги буюмларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. СССР ва бошқа қардош социалистик мамлакатларга микроэлектр двигателлари, автомат телефон станциялари, радио-ўлчов асбоблари ва радиотехниканинг бошқа буюмлари ҳамда роботлар ва манипуляторлар экспорт қилинади. Булар ҳозир мамлакатимиз машинасозлик буюмлари экспорти салмоғининг салкам 50 процентини ташкил этади.

СССР ва Польша билан ихтисослаштириш ва кооперациялаш натижасида БХРнинг ўз кемасозлиги ташкил этилган. Ҳозирги пайтда болгар кемасозлари кема жиҳозларидан 30 дан кўпроқ турини ва катта сиғимли кемаларнинг баъзи турларини тайёрламоқдалар.

Мамлакатимиз саноати машинасозликнинг бошқа буюмлари-металлга ишлов берувчи дастгоҳларнинг айрим турларини, шу жумладан рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳларни, озиқ-овқат ва қандолат саноати учун технологик линияларни, гидравлика буюмларини, енгил саноат учун машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга ҳам ихтисослашгандир.

Болгариянинг ЎИЁКга аъзо бўлган мамлакатларнинг узоқ муддатга мўлжалланган программасини амалга оширишда иштирок этиши машинасозлик саноатини ривожлантириш учун янги истиқболларни очиб беради.

Республикамизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида интеграциялаш тадбирларидаги иштироки ҳам кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ҳамкорлик энг аввало илмий тадқиқотлар, уруғчилик, биологик материални, наслли чорва молларини кўпайтириш қишлоқ хўжалик техникаси ва кимёвий дорилар билан таъминлаш соҳаларини қамраб олган. БХР II турдаги қишлоқ хўжалик экинлари уруғини етиштиришга, юксак маҳсулдор бўлган қўйларни кўпайтиришга ихтисослашмоқда. Бу уруғлар ва қўйлар бошқа мамлакатларга ҳам юборилади.

Болгария ва СССР ўртасида 1981-1985 йилларга мўлжалланган илмий-техникавий ҳамкорликда Совет Иттифоқининг 60 та ва Болгариянинг 20 та министрлиги ва идораси, СССРнинг 200 та, БХРнинг 150 та илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари иштирок этмоқда.

Н. ЦАРЕВСКИЙ,
Болгария Фанлар академияси халқаро муносабатлар ва социалистик интеграция институтининг директори, профессор.

(София-пресс—АПН).

● БАЙРУТ. Ливан пойтахтида ҳукуматнинг хавфсизликни таъминлашга қаратилган плани муваффақиятли амалга оширилмоқда. Миллий бирлик ҳукумати томонидан кўрилаётган чоралар Ливан халқи томонидан яқдиллиқ билан қўллаб-қувватланяпти.

Суратда: шаҳар кўчаларида.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

ЎРИНЛИ ТАШВИШ

ДЕҲЛИ. Покистон ядро қуролини қўлга киритиш учун зўр бериб ҳаракат қилаётганлиги Ҳиндистонни жуда ташвишга солмоқда. Республика бош министри Индира Ганди парламентнинг фан масалалари билан шуғулланувчи маслаҳат комитетининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқида шу ҳақда гапирди.

Бош министр депутатларнинг алоҳида диққат-эътиборини ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага Исломобод ҳамон қўшилмаганлигига, ядро қуроли синовларини қисман тақиқлаш тўғрисидаги шартномани ратификация қилмаганлигига ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланаётган мамлакатлар учун МАГАТЭ белгилаб қўйган чеклашларни бузаётганлигига қаратди. (ТАСС).

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

ИШ ҚИДИРИБ

Сан-Франциско шаҳри марказида жойлашган «Рамада ренессанс» меҳмонхонаси олдида тумонат одам. Улар тонг саҳардан бу ерга келишган. Навбат жуда секин ўтмоқда, одамлар дилгир... Лекин на илож. Улар навбат кутиб туришга мажбур. Бу ерда 400 та бўш ишчи ўрнига 7 мингдан ортиқ киши ишга кириш учун навбат кутиб туришибди. Улар колледжларни битириб чиққан маълумотли мутахассислар, малакали ишчилар, бир неча йиллик стажга эга бўлган инженерлар, турли идораларда хизмат қилган ходимлардир. Улар швейцарлик, идиш-товоқ ювувчилик, дастёрлик, фаррошлик ва бошқа хизматларга киришга астойдил розн бўлишган. Навбат кутиб турганларнинг кўпчилиги бир неча йиллардан бери иш қидиришади. «Ишонасизми, бизда иш топиш амри маҳол, — дейди Лоуренс Прескотт. — Менинг касбим операторлик. Лекин ҳозирги пайтда қандай юмуш бўлса ҳам розн бўлишга мажбурман. Чунки менинг оилам, болаларим жуда муҳтожликда яшашяпти. Бир йилдан бўён тўғри келган юмушларни бажариб келяпман. Энди бундан буён тоқатим тоқ бўлди.

Бундай манзаралар АҚШнинг жуда кўп шаҳарларидаги оддий бир воқеага айланган. Чунки мамлакатда ишсизлик энг ўткир социал проблемалардан бирига айланиб қолди. Масалан, Америка штатлари ичида аҳоли ғоятда зич жойлашган Калифорнияда умумий ишга яроқли аҳолининг 8 процентн ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Мамлакат бўйича ишсизлик 8,5 процентни ташкил этмоқда. Бу фақат расмий маълумотлардаги рақамлардир. Касаба союз ҳамда ҳар хил жамоат ташкилотларининг маълумотларига кўра, ҳозир мамлакатда ишсизлик 15 миллион кишидан ҳам ортиб кетган. Лекин бу аҳволга Оқ уй ломмим демай келмоқда.

НОЧОРЛИК

Ночорлик, социал адолатсизлик, кишиларнинг қашшоқлиги жаҳондаги индустриал жиҳатдан ҳар тарафлама ривожланган мамлакат бўлмиш Германия Федератив Республикасида ҳам оддий бир воқеага айланиб қолди. Айниқса ёшларнинг аҳволи мушкуллашиб кетди. Уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамон ўлда-жўлда қолиб кетаётир. Бу ҳақда немис бирлашган касаба союзлари федерал правленеесининг аъзоси Ильза Брузес ачиниб гапиради: «Бизда ёшлар бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган деса бўлади. Йигит ва қизларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилмаган. Бу ҳол жамиятда хунук воқеаларнинг содир бўлишига сабаб бўлаётир».

Чиндан ҳам мамлакатда ёшларга касб-кор ўргатиш ғоятда ночор аҳволда. Ильза Брузеснинг тахминича бу иш учун камида 2 миллиард марка сарф қилиниши керак. Лекин Бонн маъмуриятн қуроллариш учун миллиард-миллиард сўмлаб маблағ ажратса ҳам, бу энг зарур социал проблема учун атайин хасислик қилмоқда.

РАССОМЛАРИМИЗ АСАРЛАРИ—МАМЛАКАТ ВИСТАВКАЛАРИДА

Республика рассомлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган ижодий ҳисоботлар турқумини бошладилар.

Рассомлар асарларидан ўнтаси Москвага, «Ер ва одамлар» Бутуниттифоқ виставкасига юборилди. Асосан кейинги йилларда яратилган ана шу тасвирий санъат, графика, плакат, ҳайкалтарошлик асарлари пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар меҳнати тўғрисида, кузги далалар гўзаллиги ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда Эркин Охуновнинг «Бу дунё қанчалар гўзал» триптихи, Зокир Иноғомовнинг «Ҳосил» асари ва Алишер Мирзаевнинг «Қизил байроқ тошпирилиши» полотнолари бор. Абдумўмин Ойматовнинг ҳайкалтарошлик асарлари орасида коҳхозчиларнинг портретлари ва унинг «Қишлоқ ўқитувчиси Муслима» асари, бошқа авторлар ишлаган расмлар бор.

Ленинграддаги этнография музейига Ўзбекистон амалий санъат усталарининг 600 та асари қабул қилинди. Виставка совет ҳокимияти йилларида қулдорлик, бадиий каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик каби санъат турлари қандай ривожланганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Бутуниттифоқ ва халқаро виставкаларда республика номидан вакил бўлиб қатнашаётган таниқли рассомларнинг асарлари билан бир қаторда Ленинград музейининг томошабинлари Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро, Ургут ва турли қишлоқлардан чиққан ёш авторларнинг асарлари билан танишадилар.

(ЎзТАГ).

1 СЕНТЯБРЬ ТАРАДДУДИ

● Тошкент шаҳрининг Марказий бозорида ташкил этилган савдо ярмаркаси ҳар куни юзлаб харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда ўқувчилар ўзлари учун зарур бўлган мактаб формалари, ўқув қуролларини бемалол топа оладилар. Суратда: мактаб бозорида савдо пайти.

В. Портнов фотолари.

ЯНГИ МАКТАБ

Янги ўқув йили арафасида 159-трестнинг 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари пойтахтимизнинг Фрунзе районидаги Бошлиқ турар-жой массиви аҳолисига ажойиб совға тортиқ этдилар. ТошЗНИИЭП лойиҳа институти коллективи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ тиклинган 1320 ўринли мактаб бинаси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Замонавий типда қурилган бу ўқув масканида ўқувчиларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари учун барча қулайликлар яратилган. 39 та синф, махсус кабинет ва устахоналар, 2 та алоҳида спорт зали, спорт майдончаси ва бир вақтнинг ўзида 320 кишига мўлжалланган ошхона ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

Мактабни қисқа муддатларда ишга туширилишида қурилиш ташкилотининг В. Миллер, Э. Исаев, В. Петров сингари тажрибали бригада етакчилари бошқараётган коллективлар ҳамда 2-пардозлаш трестининг 45-қурилиш бошқармаси пардозловчилари жонбозлик кўрсатишди. Айни вақтда мактабни керакли ўқув қуроллари ва турли кўргазмали стендлар билан жиҳозлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

Ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан Чирчиқ шаҳар савдо ташкилоти ёш гражданларга совға тайёрлаб қўйди. Бу ерда масалликлар тайёрлаш цехи ишга туширилди. Мазкур «кичик корхона» мактаблар, ўқув юртлари, айрим ошхона ва кафелар учун масалликлар ҳозирлаб беради.

Илгари масалликлар ҳар бир ошхонанинг ўзида тайёрланар, лекин хили кам бўлиб, сифати доимо талаб даражасида бўлмасди. Янги цех ташкил этилгач, катта қулайликлар яратилди. Энди ошхоналар истаган овқат учун масалликларни тайёрлашга марказлашган цехга буюртма бериб, истаган ҳажмда олиши мумкин. Бу эса талабаларни кенг ассортиментдаги иссиқ овқатлар, турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этишда қўл келади.

Б. ПЎЛАТОВ.

Спорт

● «ДЎСТЛИК-84» МУСОБАҚАЛАРИДА

Москва ва Таллин, София ва Будапешт, Прага ва Гавана, Ксенж ва Улан-Батор... «Дўстлик-84» мусобақалари турли мамлакатларда ўтказилишидан қатъий назар уларда олимпиада идеаллари тантанаси руҳи ҳукмронлик қиляпти. Енгил атлетика, бадиий гимнастика, чавандозлик, сувга сакраш турлари бўйича мусобақалар поёнига етди. Мерганлик, сузиш, бокс, велоспорт мусобақалари охирламоқда. Социалистик мамлакатлар спортчиларн «Дўстлик-84» мусобақаларида Лос-Анжелесда кўрсатилган натижаларга қараганда юқорироқ кўрсаткичларга эришмоқдалар. Фақат биргина енгил атлетикачилар Лос-Анжелес олимпиада программасининг 20 тури бўйича кўрсатилган натижаларни ортда қолдиришди. СССР ва Болгария гимнастикачилари бугунги кунда уларга тенг рақиб йўқлигини исботладилар. Д. Георгиева, А. Раленкова (Болгария), Д. Куткайте, Д. Белоглазова (СССР) Софияда барча мукофотларни ўзаро бўлишиб олишди.

Гаванада бокс, сув полоси ва волейбол мусобақалари давом этяпти. Командамиз аъзоларидан В. Яновский, К. Абдурахмонов, С. Қўноқбоев, В. Абаджянлар ғолиб келишди. СССР ватерполчиларн терма командаси сафида тошкентлик Э. Шагаев ҳам иштирок этмоқда. Совет спортчилари Чехословакия командасини 13:7 ҳисобида енгишди.

● СЎНГГИ РЕПЕТИЦИЯ

Совет футболчилари навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари олдидан сўнгги контроль учрашувини Мексика командаси билан ўтказиб 3:0 ҳисобида ғолиб келишди. Тўпларни С. Родионов (2 та) ва О. Блохинлар киритди.

«НАРГИЗ» ИШ БОШЛАДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районининг Туябўғиз посёлкасида «Наргиз» маиший хизмат кўрсатиш уйи очилди. Хизмат кўрсатиш уйи кийимларни кимёвий усул билан тозалаш, пойафзалларни ремонт қилиш, расмчилик каби бўлимлардан ташкил топган. Посёлка аҳолиси бундан жуда мамнун, — дейди Лермонтов кўчасидаги 26-уйда истиқомат қилувчи Х. Ҳайдарова. Бунгача суратга тушиш ёки пойафзал ремонт қилдириш учун Тўйтепага қатнардик. Маиший хизмат кўрсатиш уйининг ишга туширилишидан биз икки томонлама манфаатдормиз: ҳам ишимиз шу ернинг ўзида битади, ҳам вақтдан ютамиз.

Г. ИЎЛДОШЕВА.

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1985 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газетанинг обуна баҳоси:
бир йилга—6 сўм 60 тийин,
олти ойга — 3 сўм 30 тийин.

Обуна барча алоқа бўлимларида, корхоналар, идоралар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетани ҳар куни ўз вақтида олиб туриш учун обуна бўлишни унутманг.

ХУРАНДА ҲАҚИГА ХИЕНАТ — ЖИНОЯТ

ТАЪМСИЗ ТАОМ ВА ИНСОФСИЗ ПАЗАНДАЛАР

ЕКИ МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ СИСТЕМАСИНИНГ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚОИДАЛАРИНИНГ ҚЎПОЛ РАВИШДА БУЗИЛАЕТГАНЛИГИ ХУСУСИДА

ҚАЕРДА, қандай дам олиш, ҳордиқ чиқариш ҳар кимнинг ихтиёрига боғлиқ. Айримлар бўш вақтларини дарё ва кўл бўйларида балиқ овлаб ўтказишади. Баъзилар эса шаҳар ташқарисига чиқиб, табиат қўйнида, тоза ҳаводан баҳраманд бўлишни ёқтиришади. Шунингдек, оила аъзолари билан шаҳарнинг соя-салқин боғларида, сўлим ҳиёбонларида, гўзал ва кўркам кўчаларида сайр қилиб, кўнгил ёзишни хуш кўрадиганлар ҳам оз эмас. Шундай пайтда баъзан ресторан, кафе ёки ошхонага кириб тамадди қилиб олишга тўғри келади. Агар кенг жамоатчиликка мўлжалланган бу жойлар саранжом-саришта, таомлар тотли, пазандалар хушсухан бўлса, нур устига аъло нур. Аксинча, ошхоналар ифлос, таомлар таъмсиз, пазандалар қўрс, нонинсоф, юлғичлар эса ҳеч нарсадан ҳайиқмай, ҳурандаларни чўмичда қоқишяпти. Бош пазанда С. Исломов ҳурандага икки коса лағмон сузиб бериб, икки сўм ҳақ олди. Лағмон контроль торозида текшириб кўрилганда битта косадаги гўшт 75 грамм ўрнига 50 грамм, иккинчисида эса 40 грамм чиқди. Бир кишининг ўзидан 60 грамм гўшт уриб қолинибди.

Шу ошхонага қарашли кабобхона пазандаси Д. Мирвалиевнинг устамонлигига тан бердик. У ошхонага мутлақо алоқаси бўлмаган шахс —С. Раимбердиевга ҳамма ишни топшириб қўйиб, ўзи бўлса, дам олувчиларнинг ҳаловати бузилади, дили ранжийди. Демак, умумий овқатланиш муассасалари ҳам меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қилишга даъват этилган десак, хато бўлмайди.

Хўш, умумий овқатланиш муассасалари ўз зиммаларига юклатилган хайрли вазифани қандай бажаряпти? Уларнинг хизматидан ҳурандалар мамнунми? Савдо-сотиқ қоидалари бузилмаяптими? Ҳурандалар ҳақига хиёнат қилинмаяптими?

Шу саволларга аниқ жавоб олиш мақсадида яқинда область давлат савдо инспекцияси билан «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси қўшма рейд ўтказади. Қуйида ана шу рейд материаллари билан танишасиз.

МАТЛУБОТ жамиятларининг ҳужалик ҳисобидаги умумий овқатланиш корхоналарида кейинги йилларда тармоқни кенгайтириш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Замонавий савдо-технологик ва совитувчи қурилмалар ўрнатилди. Овқатланадиган хоналар жиҳозланди. Бироқ савдо-сотиқ қоидаларининг қўпол равишда бузилишига, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш каби ҳолларга ҳамон тўла барҳам берилмаяпти. Кўпгина ресторан, буфет ва ошхоналарда бир хилдаги сифатсиз таомлар тайёрланмоқда. Сабзавот, балиқ ва сут маҳсулотларидан тайёрланган таомларни, деярли топа олмайсиз. Буфетларда эса фақат спиртли ичимликларни қуйиб сотиш билангина машғул бўляптилар. Бунинг устига тишга босадиган тузуккроқ газак, салқин ичимлик, ўзларида тайёрланган кондитер маҳсулотлари йўқ.

Текширув ўтказилган жами 55 корхонадан 50 тасида жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Айниқса Калинин район матлубот жамияти хўжалик ҳисобидаги умумий овқатланиш корхоналаридан (директори С. Аъзамов) 15 тасида харидордан ортиқча ҳақ олиш, масалликларидан уриб қолиш авж олиб кетган. Жумладан, 3-ошхона пазандалари ҳеч нарсадан ҳайиқмай, ҳурандаларни чўмичда қоқишяпти. Бош пазанда С. Исломов ҳурандага икки коса лағмон сузиб бериб, икки сўм ҳақ олди. Лағмон контроль торозида текшириб кўрилганда битта косадаги гўшт 75 грамм ўрнига 50 грамм, иккинчисида эса 40 грамм чиқди. Бир кишининг ўзидан 60 грамм гўшт уриб қолинибди.

Шу ошхонага қарашли кабобхона пазандаси Д. Мирвалиевнинг устамонлигига тан бердик. У ошхонага мутлақо алоқаси бўлмаган шахс —С. Раимбердиевга ҳамма ишни топшириб қўйиб, ўзи ялло қилиб юribди. «Устоз қўрмаган шогирд ҳар ма-комга йўрғалар» деганларидек, С. Раимбердиев ҳурандаларга кабоб сотаётиб, янглишиб кетяпти. Бироқ шуниси қизиқки, у фақат ўз фойдасига янглишяпти. Масалан, ҳурандага 10 сих кабоб ва битта нон бериб 5 сўм 38 тийин ўрнига 5 сўм 70 тийин пул олди.

Ошхонанинг савдо зали, овқат тайёрланадиган ва масалликлар сақланадиган хоналарига кирсангиз кўнглингиз беҳузур бўлади. Ҳаммаёқ ифлос, бу ерга яқин ўрта-да гўшт майдалагичдан ўтказилган кийма таркибида қомга йўрғалар» деганларидек, С. Раимбердиев ҳурандаларга кабоб сотаётиб, янглишиб кетяпти. Бироқ шуниси қизиқки, у фақат ўз фойдасига янглишяпти. Масалан, ҳурандага 10 сих кабоб ва битта нон бериб 5 сўм 38 тийин ўрнига 5 сўм 70 тийин пул олди.

Ошхонанинг савдо зали, овқат тайёрланадиган ва масалликлар сақланадиган хоналарига кирсангиз кўнглингиз беҳузур бўлади. Ҳаммаёқ ифлос, бу ерга яқин ўрта-

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ САВДО ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

да сўпурги тегмаган. Ошхона ходимларини санитария-гигиена ҳолати эмас, кўпроқ мўмай даромад қизиқтираётганга ўхшайди.

Оржоникидзе районининг ихтисослашган кооператив савдо корхоналарида ҳам нонинсоф, юлғич пазандалар оз эмас экан. Текширилган 11 та ошхона, ресторан ва буфетларнинг бирортасида харидорлар ҳақига хиёнат қилмай, ҳалол меҳнат қилаётган ходимни учрата олмадик.

А. Қориев мудирлик қилаётган 6-ошхонанинг бош пазандаси Шоисломов шогирди С. Хўжамовга савдони ишониб топшириб қўйибди. Бундан руҳланган шогирд ҳурандаларни истаганча лақиллатиб, ҳамёнини қаппайтиряпти. Бир ҳурандага икки коса лағмон бериб 2 сўм, яъни 40 тийин ошиқ пул олди. Бунинг устига лағмондаги гўшт ҳажми нормадагидан 45 грамм кам. Кесиб берган олти бўлак нон эса 480 грамм ўрнига 300 грамм чиқди. Бу ҳам майли-я, лағмонга солинган гўштнинг гўшт майдалагичдан ўтказилганлиги қизиқ. Бунда қандай сир бўлиши мумкин? Аслитаомларни топа олмайсиз.

Харидор ҳақига хиёнат қилишда «Дўстлик» ресторани ходимлари олдига тушадигани йўқ. Кабобпаз Х. Аҳмедов кўз очиб юмгунча харидорга олти сих кабоб билан, олти бўлак нон кесиб бериб, 32 тийин ҳақини уриб қолди. Лекин унинг нафси бу билан ҳам қонмайди. Ҳам энидан, ҳам бўйидан урмагунча кўнгли тинчимайди. Ҳуранданинг қўлига тутқазган 12 сих кабобни текшириб кўрганимизда 65 грамм кам келди. Балки Х. Аҳмедов «Гўшт ёғлироқ эди, олоғда эриб кетибди», деб баҳона қилар. Биз бундай баҳонага ўрин йўқлигини амалда исботлаш учун янгигина сихлаб, қўрага териш учун ҳозирлаб қўйилган 60 сих кабобни тарозидан ўтказганимизда масала ойдинлашди қўйди. Қарангки, 60 сих кабобдан 1055 грамм гўшт чегириб қолинибди. Энди бу рақамларни пулга чақиб ўтирмай, бошқа йўл билан кабобфурушлар ҳамёнига тушаётган нақд даромадни айтиб қўя қолайлик. Бош пазанда К. Хўжамов кабобга калькуляцияда белгиланган 51 тийин ўрнига 52 тийин нарх қўйиб бериб, сифатсиз таомларни топа олмайсиз.

Ресторан буфетчиси ҳам юлғичликда бошқаралардан қолишмайди. У 100 грамм ароқни 1 сўм 60 тийин ўрнига хайиқмай 1 сўм 70 тийиндан пуллайверади. Кейинги пайтда 4764 шиша ароқни шундай нархда сотиб, харидорларнинг 1429 сўм 20 тийин ҳақига хиёнат қилган.

Текширув давомида бундан ҳам антиқа воқеаларга дуч келдик. Паркент районидаги 1-кабоб цехи кабобпази А. Иноятов қиймали кабобга нон аралаштириб тайёрлашни ихтиро қилиб, умумий овқатланиш системаси ходимлари орасида биринчи бўлиб «ажойиб» янгилик яратди. Масалан, у пишириб сотаётган қиймали кабобнинг 28,8 процента нондир. Ноинсофликни қарангки, кабоб қиймасига нон аралаштиргани етмагандай, ҳажмидан ҳам уриб қолади. 30 сих кабоб хомлигича тортиб кўрилганда вазни нормадагидан 250 грамм кам чиқди.

Бундай нопок, қўли эгри кишилар Тошкент ва Бўстонлиқ районлари матлубот жамияти системасидаги умумий овқатланиш корхоналарида ҳам кўплаб топилади. Улар мўмай даромад орттириш йўлида хоҳлаган ишларини қилмоқдалар, ҳеч нарсадан ҳайиқмаяптилар. Чунки, контроль қилувчи ташкилотлар улар устидан назоратни сусайтириб юборишган. Районларнинг матлубот жамиятлари правлениеси раислари контроль ўрнатишга иккинчи даражали масала сифатида қарамоқдалар. Айрим умумий овқатланиш корхоналари раҳбарлари эса область давлат савдо инспекциясининг текширувлар натижаси бўйича қарорларини тўғри бажармаяптилар, совет савдоси қоидаларини бузаётганларни қилмишларига яраша жиддий жазоламаяптилар ва шу йўл билан юлғичларга хомийлик қилмоқдалар.

Область матлубот жамияти умумий овқатланиш системасида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишини тубдан яхшилаш, раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни кучайтириши лозим.

И. ИСРОИЛХЎЖАЕВ,
область бош давлат савдо инспекторн.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртн В. И. Ленин номидагн Тошкент электрон техника заводнга қуйндагн нхтнсосликлар бўйнча юқорн малакалн мутахасснслар тайёрлайдн: ярнм ўтказгнчлн асбобларнн йнғувчнлар, электрон техника асбоблари ва деталларнни сновчнлар, электрон технка асбоблари ва деталларнннг контролёрлари, радноаппаратуралар ва асбобларнннг монтажчнлари ва регулнровкачнлари, технологнк ускуналарнн созловчнлар, снпов ускуналарннннг созловчн-монтажчнлари, токарлар, фрезерчнлар, электр пайвандчнлар, слесарь-асбобсозлар.

Билим юртнга 8-10 синф ҳажмнда маълумотлн, Тошкент шаҳрнда ва унннг атрофнда яшовчн йнгнт-қнзлар қабул қнлннадн.

Ўқиш муддати 8 синф маълумоти бўлганлар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 6 ой, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ихтисослиги бўйнча қабул қилинган 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар, технологик ускуналарни созловчилар, токарь , фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар 72 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланади. 8 синф ҳажмида маълумотлилар қисман давлат таъмиотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Весна кўчаси, 17-уй (1, 5, 26 трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко» бекати). Телефон 51-14-51.

Ш. Р. РАШИДОВ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ

85-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йили учун тўқувчилар, йигирувчилар, ип ўровчилар, хом ип етказиб берувчиларни тайёрлаш группаларига

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқишга қабул қилинганлар ойига 70 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юрти қошида профилакторий мавжуд, бичиш ва тикиш, тўқувчилик курслари ишлаб турибди. «Текстильщик» спорт комплекси ва тўқимачилар Маданият саройи эшиклари очиб қўйилган.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисида гувоҳнома (ёки аттестат), соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 80-автобусларнинг «Билим юрти» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

227-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тўқувчилар, йигирувчилар, калаваловчилар, тайёр маҳсулотлар бўйича контролерлар, электромонтерлар, тўқувчилик ишлаб чиқариш мастерининг ёрдамчилари, пардозлаш ишлаб чиқаришнинг слесарь-ремонтчилари.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Ўқишга 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар 3 йил ўқийдилар ва улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Билим юртини тугатгач ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртига ўрта маълумот билан кирганлар 1 йил ўқийдилар ҳамда улар 70 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентн билан таъминланадилар.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборнладилар.

Билим юрти қошида тикиш-бичиш, бадиий ҳаваскорлик, бадиий тўқиш тўгараклари ҳамда спорт секциялари мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор районн, Бешёғоч, Олмазор кўчаси, 185-уй. (7, 11, 13, 51, 103, 122, 123, 130-автобуслар; 2, 3, 6, 7, 13, 14-троллейбусларнинг, метронинг «Халқлар дўстлиги станцияси» бекати).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I. 9.00—Время. 9.40 — Мультфильм. 10.00 — Ёшлар ижоди. 10.25 — Саёҳатчилар клуби. 11.25 — Жак Оффенбах. Бадиий фильм. 1-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 15.40 — Оркестр ижро этади. 16.10 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.40 — Кувноқ нотачалар. 16.55 — Болалар учун фильм. 18.25 — И. Гайдн. До мажор квартети. 18.45 — Фан ва турмуш. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқаро дўстлик мусобақаларида. 20.35 — Жак Оффенбах. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Халқаро Дўстлик мусобақаларида. 23.00 — П. Загребельний. Ижоди саҳифалари. 24.00 — Дунё воқеалари. 00.15 — Мусобақалар кундалиги.

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Яшил чақмоқлар. Бадиий фильм. 11.00 — Мультфильмлар. 11.30 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 12.10 — Немис тили. 12.40 — Келажакка командировка. 13.10 — Болалар учун фильм. 14.40 — Халқаро Дўстлик мусобақаларида. 16.00 — Дунё ва ёшлар. 16.35 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Жондан азиз Ватаним. 19.15 — Концерт. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45—Телефильм. 21.00 — Онамларнинг мактаби. 21.30 — Время. 22.00 — Илгаиволга. Телевизион бадиий фильм. 23.05 — Концерт. 24.00 — Гжелнинг кўк қуши. Рус бадиий ҳунармандчилиги ҳақида.

ЎзТВ I. 10.00—Ахборот. 10.20 — Болалар учун фильм. 10.50 — Фильм-концерт. 11.55 — Еттинчи жин. Бадиий фильм. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Хайрлашув гулханлари порламоқда. 18.45 — Илҳом. Кўрсатув. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Маккажўхори — ҳам дон, ҳам озуқа. 20.05 — Амалдаги интернационализм. 20.30 Ахборот. 20.50—Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Бугун оламда нима гап? 22.15 — Бузилмас Иттифоқ. Телекўрсатув. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ II. 9.00—16.40—МТ II. 18.30 — Телефильм. 18.45 — Порт. Бадиий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Телефильмлар. 21.00 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Тошкент шаҳар Октябрь райони. 21.30—МТ II.

Р. 20032. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётнинг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1766. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12